





нарлидир. Яъни Ўзбекистон 2015 йилда мазкур нуфузли ташкилотга аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда узокни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш бўйича кўрилатган ишбилармонлик қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қўллаб-қувватлашнинг барқарор ўсиш суръатлари ҳамда унинг макроиктисодий мутаносиблигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ридир. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, айни пайтда энг йирик корхоналардан бири бўлиб, у Германия, Франция, Япония, АКШ, Швеция, Голландия, Жанубий Корея сингари давлатлар компанияларининг технологик линия ва усуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Бу ерда йилга 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш, полиэтилен тайёрлаш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш имконияти мавжуд. Ваҳоленки, полипропилен илгари юртимизга катта миқдордаги валюта эвазига четдан олиб келинар эди.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Фермерларга маъқул технологиялар

Навоий машинасозлик заводида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган илҳам линиялар ва қадқоқлаш миниятехнологиялари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Этиборлики, мазкур лойиҳа Германиянинг "KRONEN GmbH" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

— Юртимиз заминда йил давомида мева-сабзавот етиштирилади, — дейди корхона мутахассиси Дилшод Кенжаев. — Бизнинг мўъжаз технологияларимиз арзон ҳамда харидорнинг маҳсулот тайёрлаши билан деҳқон ва фермер хўжалиқларига манзур бўлмоқда.

Шунингдек, ушбу завод муҳандислари томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари учун такомиллаштирилган култиваторлар ҳамда плуглар яратилиб, кенг миқёсда ишлаб чиқариш жорий этилди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли ва харидоргир

Ҳазорасп туманининг Питнак шаҳарчасида тадбиркор Озод Жуманазаров ташаббуси билан "Хоразм папер" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, унда маҳаллий хом ашё — шоли сомонида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 800 миллион сўм сарфланди. Натижада маҳаллий ёшлар учун 20 та иш ўрни яратилди. Бинобарин, картон кути ҳамда қурилишбоп рубероид тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Этиборлики, қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги 20 дан ортиқ корхона "Хоразм папер"нинг мижозига айланди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 300 миллион сўмлик сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилаёпти. Айниқса, сомондан тайёрланаётган қоғозлар озиқ-овқат маҳсулотларини ўрашда қўл келмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Боғбонларнинг тажриба майдони

Сурхондарё худудлари, хусусан, Сурхондарё вилоятида инновацион технологиялар асосида боғлар барпо этишга кўмаклашмоқда.

Нормурад ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Келажаги буюк, озод ва обод Ватан

Тараққиётнинг «ўзбек модели» деб ном олган ривожланиш йўлининг беқиёс самаралари.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Айниқса, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани ҳам бир юртдошимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Тавқидлаш кераки, бундай натижаларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Чунки Ўзбекистон собиқ иттифок давридаги маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида миллий иқтисодиётнинг турли сиёсий ҳамда ғоявий таъсирлар остида шаклланишининг яққол намунасини бошдан кечирганди.

Ҳўжалик алоқаларини фақат бир ғоша ва маслакка мансуб бўлган мамлакатлар ўртасида амалга ошириш, марказдан туриб режалаштирилган бошқарув, соғлом хўжалик юритиш тамойилга эид иқтисодий сиёсат — булар ўша даврнинг асосий белгиларидан эди. Истиклолнинг илк йилларида ноқулай иқтисодий сиёсатдан устун қўйилиши, унинг объектив иқтисодий қонуналарга мувофиқ равишда ташкил этилиши пировардида юртимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, юқори ўсиш суръатларига эришиш учун кенг имконият яратди.

Аmmo ўша даврда қишлоқ хўжалигида пахта ақхоқчилиги оқибатида озиқ-овқат масаласида ўзгаларга қараб бўлган, кундалик истеъмол молларининг учдан икки қисми, ҳатто оддий туз ва гугурт ҳам четдан олиб келинган давлат қисқа муддат ичида дон мустақиллигига эришди, саноатнинг мурак-

каб технологияли тармоқлари йўлга қўйилди, дейилса, кўпчилик ишонмасди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳани тубдан модернизациялаш ва диверсификациялаш борасида қабул қилинган ҳаётий дастурларнинг самараси ўлароқ, илгари орзу ҳам қилиш қийин бўлган муваффақиятларга эришяпмиз.

Озиқ-овқат саноати мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланиб, юқори технологияли тармоқлардан бирига айланган. Утган давр мобайнида соҳага иختисослаштирилган корхоналар сони салкам 10 мингтага етгани, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотлари каби кундалик истеъмол молларига бўлган ички эҳтиёж, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига таъминланаётгани, экспорт ҳажми йил сайин ошиб бораётгани бунга тўла асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, ушбу соҳада сўнгги беш йилда умумий қиймати 660 миллион АКШ доллари билан 3 минг 266 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилган, маҳсулот тайёрлаш ҳажми кескин ошди. Жумладан, мева-сабзавот ва узум етиштириш 1,27, гўшт ҳамда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,24, сут маҳсулотлари 1,33 баравар кўпайиб, 628 хилдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бу каби муваффақиятлар БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан муносиб баҳолангани қув-

220 минг гектарга кенгайтирилиши эвазига қўшимча равишда 797 минг тонна мева, 2,8 миллион тонна сабзавот, 514 минг тонна гўшт ва 3,97 миллион тонна сут маҳсулотлари етиштирилди. Уз навбатидида, мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш 17 фоиздан

ард 300 миллион доллардан зиёд хорижий инвестициялар эканлиги, унинг 73 фоизини тўғридан тўғри чет эл инвестициялари ташкил этгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Юртимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, сармояларнинг асосий қисми замонавий саноат корхоналарини барпо этиш, мавжудларини тубдан модернизация қилиш мақсадларига йўналтирилган.

Пировардида истиқлол йилларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнгирут сода заводи, Деҳқонobod калий ўғитлари заводи, Асакадаги енгил ва Самарқанддаги юк автомобиллари ҳамда автобуслар ишлаб чиқарадиган корхоналар, юзлаб замонавий тўқимачилик ва енгил саноат субъектлари ишга туширилди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этирилаётгани эса ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, экспортда қўшимча қийматга эга товарлар улушини кўпайтириш, минглаб янги иш жойлари яратиш имконини бермоқда. Масалан, биргина ўтган йили жалб қилинган инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга сарфланиб, умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион долларлик 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий корейлик инвесторлар билан ҳамкорликда Сургиел кони негизидида барпо қилинган Устурт газ-кимё мажмуаси шулардан би-

25 фоизга, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 12 фоиздан 23 фоизга етказилиши кўзда тутилган.

Этиборлики, дастур доирасида нафақат қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, балки тайёр маҳсулотларни сифати қадқоқлаш, сақлаш ва етказиб бериш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш бўйича 180 та йирик, шунингдек, 416 та худудий инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилиши мўлжалланаёпти. Бундан ташқари, йиллик қуввати 60 минг тоннага тенг бўлган 15 та замонавий савдо-логистика марказини фойдаланишга топшириш орқали мева-сабзавотларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларига экспорт қилиш имкониятини яратиш режалаштирилган.

«Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақкамлаш тарафдори»

Бой хом ашё ҳамда юқори малакали кадрларга эга мамлакатингиз ўзининг сиёсий ва макроиктисодий барқарорлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шунингдек, конференция доирасида юртимизнинг иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик салоҳиятлари тақдимоти ўтказилди. Унда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, қўлай ишбилармонлик муҳити, иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, саноатни модернизациялаш ҳамда

замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш, хусусийлаштириш, корпоратив бошқаруving илгор усулларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Тавқидланганидек, ҳаётга татбиқ қилинган изчил чора-тадбирлар натижаси жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари рейтингидида ўз ифодасини топомқда. Бу борада Жаҳон банкнинг "Бизнесни юритиш" тадқиқоти хулосалари мисол тариқасида келтирилди. Унга кўра, республикамиз рейтингини қисқа давр ичида

70 ўринга яқшилади. Шунингдек, Ўзбекистон дунё бўйича иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлар бешталигидан ўрин олди.

Париж I Пантеон-Сорбонне университети профессори Жан-Лук Ле Бидо юртимизда кузатилаётган иқтисодий ўсиш суръатларини юқори баҳолади.

— Мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятида гоят муҳим ўринга эга, — деди у. — Ўзбекистон нафақат улкан табиий бойликлар, балки интеллектуал, иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятга ҳам эгадир. Бир неча йил аввал юртимизга ташриф буюриб, Буюк Ипак йўлидаги чинакам

дурдоналар ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари қўна шаҳарлар тароватидан баҳра олиш бахтига муяссар бўлган эдим.

Франция Марказий Осиёнинг муҳим давлати бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақкамлаш борасида дадил қадамлар ташлаши лозим, деб ўйлайман. Париж I Пантеон-Сорбонне университети Ўзбекистон — Франция ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни мустақкамлаш борасида ҳар томонлама амалий ёрдам беришга тайёр.

«Жаҳон» АА. Париж

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Ушбу ҳужжатда етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг касб даражасини оши-

доир халқаро тажрибаларни ўзлаштириш ҳамда мазкур жараёнга чет эллик менежерларни жалб қилиш бўйича кенг тушуна берилди. Бундай тадбирларнинг худудларда ҳам ўтказилиши режалаштирилаётгани ўзи-

Акциядорлик жамиятлари тараққиёти замонавий бошқарув услубларига бевосита боғлиқ

риш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилишга алоҳида ургу берилгани бу борадаги ишларни жадаллаштиришда қўл келаёпти, — дейди Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Алишер Миралев. — Шундан келиб чиқиб, семинарда корпоратив бошқаруving янада такомиллаштиришга

нинг ижобий самараларини кўрсатади, албатта. Семинарда иштирокчиларга акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни киритиш ҳамда ҳажмини кенгайтириш, уларнинг раҳбар ходимларини танлов асосида тайинлаш тартиби, чет эллик инвесторларни топшининг амалий механизми, хорижлик менежерларни ёллаш амалиётига оид маърузалар тингланади, тақдимотлар ўтказилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

Солиқ билимдонлари беллашуви

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Кўрик-танлов якунида Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сардор Салимовнинг "Солиқ мавзусининг суратдаги тасвири" номинацияси бўйича тақдим этган сурати, Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Мохларойим Аҳмедованинг мавзуга доир ҳикоялари, Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Муҳайё Тоҳированинг "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзусидаги иншоси, мазкур таълим муассасасининг яна бир вакили Руслан Яковлевнинг "Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади?" мавзусидаги видеоролиги ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Фолиб ҳамда совриндорлар диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган

Қортоқ туманида ёш оилаларга мўлжалланган "Қамолот" уйи фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда сўзга чиққанлар юртимизда навқирон авлод вакилларига яратилаётган кенг имкониятлар, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик улар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

ҒАМХЎРЛИК

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қортоқ тумани марказидаги мазкур тураржойни бунёд этишга 3,3 миллиард сўм миқдоридида маблағ йўналтирилди. Бу ерда ёш оилаларнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун барча шарт-шароит яратилган.

Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Мухаммадҷон Йўлдошев оиласига уч хонали уй қалити топширилди. Туманда Мухам-



мадҷон сингари турли соҳаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритаётганлар кўпчилигини ташкил этади.

Бадиий гимнастика бўйича мураббия Нигора Носирова — шулардан бири. У "Ўзбекистон

белгиси" кўкрак нишонини соҳибона. Турмуш ўртоғи Азимжон эса маданият ходими. Уларга ҳам ушбу "Қамолот" уйдан алоҳида хонадон ажратилди. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси Сайёраҳон ва иқтисодчи

Миршоҳид Қозоқовлар эгизак фарзандларини янги уйда воёга етказадиган бўлдилар.

— Ҳозирги пайтга қадар Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Уйчи туманларида ёшларга мўлжалланган ана шундай тураржойлар фойдаланишга топширилди, — дейди "Қамолот" ЁИХ виллоят кенгаши ходими Шерзод Турсунов. — Фаол йигит-қизлар бахту саодати, камоли учун хизмат қилиб, уларни янгиликдан-янги марралар сари рағбатлантирадиган бундай бинолар, ҳадемай, Наманган ҳамда Янгиқўрғон туманларида ҳам ўз эгаларига тақдим этилади.

Маҳаллий ҳокимлик ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган маросим янги хонадон соҳибларининг уй тўйларига улиб кетди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ишлаб чиқарувчилар анжумани



Нукус шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар, хусусан, тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар,

корхоналарда олиб борилаётган техник ва технологик янгиланишлар ички истеъмол бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўндириш баробарида, респуб-

ликамиз экспорт салоҳияти юксалишига ҳам хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этдилар.

Мазкур аънавий форум эса саноатни янада ривожлантириш, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг янги ҳамкорлар топиши ҳамда буюртмалар портфелини шакллантиришида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси вакилларидан ташқари, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Наманган ва Тошкент вилоятларидан келган тўрт юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар. — Бундай анжуманлар ўзаро тажриба алмашиш, саноатга оид энг сўнгги янгиланган хабардор бўлишимизга ҳам ёрдам беради, — дейди Нукус шаҳридаги "Ember-Gulya" оилавий корхонаси раҳбари

Гулнора Ембергенова. — Фаолиятимиз ҳақида тўхталсам, корхонамиз кийим-кечак, каштачилик намуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Айтиш мумкин, айни пайтда йигирма турдан зиёд маҳсулот тайёрлаётимиз. Мазкур тадбирда кўплаб янги мижозлар билан келишув битимлари имзоладик.

Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давомида умумий қиймати 19 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар тузилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.



Шу йилнинг дастлабки чорагида Буюк Британияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,4 фоиз ошди, деб хабар берди "Евроньос" телеканали.

## ЯИМ ҳажми ва барқарорлик

Бу таҳлилчилар прогнозидан 0,1 фоиз кўп демасдир. Шундай қилиб, "Туманли альбион" иқтисодийотида ўн уч чоракдан бери ўсиш барқарорлиги сақланиб қоляпти. Миллий статистика бошқармаси вакилларининг айтишича, мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзолиги бўйича яқин кунларда бўлиб ўтадиган референдум юқоридаги ҳолатга на салбий, на ижобий таъсир кўрсатади.



## Спорт

Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси мезбонлик қилаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати ўзининг қизгин палласига кирди.

### Қизгин паллага кирди

Мусобақада вакилларимиз муносиб иштирок этмоқда. Жумладан, 62 килограммгача бўлган спортчилар орасида терма жамоамиз аъзоси Адҳам Эргашев даст кўтаришда 125 килограмм натижа кўрсатиб, бронза медал соҳибига айланди.

### Армрестлингчилар

## Тошкентда беллашмоқда

Пойтахтимизда армрестлинг бўйича XV Осиё чемпионати бошланди. Унинг дастлабки куннда ўсмирлар, катталар, фахрийлар ва жисмоний имконияти чеklangан спортчилар ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Ўсмирлар ўртасида Катталар ва фахрийлар мамлакатимиз шарафини баҳсида вакилларимиздан химоя қилган Санжар Йўлдошев олтин, Жавоҳир Латипов, Алибек Облоқулов, Маъмуржон Рустамов, Ҳасан Раҳмонкулов, Мухлиса Турсунбоева, Наврўза Абдураҳимова кумуш, Ҳасан Мўминов, Алишер Деҳқонбоев, Зоҳир Файзуллаев, Мирзодбек Жўрақулов, Владимир Бондарь, Нозима Анварова, Моҳинабону Ғайбуллаева, Шаҳноза Абдураҳмонова бронза медалга сазовор бўлди.

**Саиджон МАХСУМОВ**  
тайёрлади.

## Икки баробар пастлади

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Mitsubishi Motors" компанияси маҳсулотларига бўлган ички талаб икки баробар пасайиб кетди.

Ушбу ҳолат мазкур бренд ёниги харажатларини камайтириб кўрсатгани билан боғлиқ хатодан сўнг келиб чиққан.

Ўз навбатида, унинг акциялари нархи бир ҳафта ичида 50 фоиз арзонлашган.



## Смартфонлар савдоси таҳлили

2016 йилнинг январь — март ойларида жаҳон бозорига смартфонлар савдосида илк бор тушиш кузатилди. Бу ҳақда "Strategy Analytics" маъноси хабар тарқатди.

Хусусан, биринчи чоракда 334,6 миллион дона ана шундай мобил алоқа воситаси харид қилинган. Ваҳолонки, ўтган йилнинг мазкур даврида бу кўрсаткич 345 миллионгача ташкил этганди. Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" компаниясининг бозордаги улуши 23,6 фоиз, АҚШнинг "Apple" брендиники эса 15,3 фоиз камайди.



## Апрелда қор

Айни кунларда Европанинг айрим давлатларида ғайритабиий об-ҳаво кузатилмоқда.

Яъни апрелнинг охирида қатор ҳудудларда кучли қор ёғди. Синоптикларнинг изохлашича, Гренландия денгизидан эсган Шимоли-Фарбий шамоллар мана шундай вазиятни келтириб чиқарган. Сабаби, айнан ушбу совуқ оқим хароратнинг кечаси Цельсий бўйича 0, кундузи +8 даражадан юқорилашига йўл қўймапти. Қиш манзараларини Болтиқ-



бўйи, Болқон ва Шарқий Европа давлатлари, Австрия, Германия, Буюк Британия, Голландияда кузатиш мумкин. Қийғос очилган гуллар қор остида қолган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЭЪЛОНЛАР

Т/р	Ютуқ миқдори	Худуд номи	Банк филиали номи	Жамғарма касса рақами	Омонатчи ҳисобварағининг тартиб рақами
1.	4 268 045,05	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-52
2.	1 625 921,90	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-112
3.	1 625 921,90	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-132
4.	1 625 921,90	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-21
5.	1 097 497,30	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-96
6.	1 097 497,30	Андижон вилояти	«Истиқлол»	01-ЖК	20606930-07
7.	1 097 497,30	Тошкент вилояти	Зангиота	01-ЖК	20606930-5
8.	1 097 497,30	Тошкент шаҳри	Чилонзор	01-ЖК	20606930-19
9.	1 097 497,30	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-115
10.	871 029,60	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-116
11.	871 029,60	Жиззах вилояти	Жиззах	05-ЖК	20606930-22
12.	871 029,60	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-14
13.	871 029,60	Тошкент шаҳри	«Меҳнат»	20-ЖК	20606930-27
14.	871 029,60	Тошкент шаҳри	Чилонзор	05-ЖК	20606930-5
15.	871 029,60	Тошкент вилояти	Чирчиқ	02-ЖК	20606930-23
16.	871 029,60	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	11-ЖК	20606930-3
17.	745 214,21	Тошкент шаҳри	Сергели	12-ЖК	20606930-1
18.	745 214,21	Тошкент шаҳри	«Меҳнат»	20-ЖК	20606930-4
19.	745 214,21	Тошкент вилояти	Бекобод	10-ЖК	20606930-6
20.	745 214,21	Бухоро вилояти	«Сардор»	01-ЖК	20606930-22
21.	745 214,21	Наманган вилояти	Наманган	01-ЖК	20606930-27
22.	745 214,21	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-76
23.	745 214,21	Тошкент шаҳри	Чилонзор	20-ЖК	20606930-10
24.	745 214,21	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-30
25.	745 214,21	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-17
26.	731 664,87	Тошкент шаҳри	Чилонзор	01-ЖК	20606930-13
27.	731 664,87	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-26
28.	731 664,87	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-48
29.	731 664,87	Бухоро вилояти	«Сардор»	01-ЖК	20606930-21
30.	731 664,87	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-167
31.	731 664,87	Тошкент шаҳри	Яккасарой	01-ЖК	20606930-3
32.	731 664,87	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз	01-ЖК	20606930-12
33.	731 664,87	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-60
34.	731 664,87	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-112
35.	731 664,87	Наманган вилояти	Наманган	01-ЖК	20606930-8
36.	562 819,13	Тошкент шаҳри	Олмасор	14-ЖК	20606930-4
37.	562 819,13	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-22
38.	562 819,13	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-139
39.	562 819,13	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-52
40.	562 819,13	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-60
41.	562 819,13	Тошкент шаҳри	Сергели	12-ЖК	20606930-8
42.	562 819,13	Тошкент вилояти	Олмалиқ	27-ЖК	20606930-1
43.	562 819,13	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-42
44.	562 819,13	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-176
45.	562 819,13	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-61
46.	562 819,13	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-8
47.	562 819,13	Тошкент шаҳри	«Меҳнат»	20-ЖК	20606930-19
48.	562 819,13	Тошкент вилояти	Чирчиқ	02-ЖК	20606930-11
49.	447 128,53	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-148
50.	447 128,53	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз	01-ЖК	20606930-1
51.	447 128,53	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-28
52.	447 128,53	Тошкент шаҳри	Сергели	02-ЖК	20606930-3
53.	447 128,53	Навоий вилояти	Навоий	06-ЖК	20606930-8
54.	447 128,53	Фарғона вилояти	Кўқон	01-ЖК	20606930-12
55.	447 128,53	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-35
56.	447 128,53	Тошкент вилояти	Чирчиқ	02-ЖК	20606930-16
57.	447 128,53	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-118
58.	447 128,53	Тошкент шаҳри	Яккасарой	03-ЖК	20606930-3
59.	447 128,53	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-129
60.	447 128,53	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-66
61.	447 128,53	Тошкент вилояти	Ангрен	02-ЖК	20606930-14
62.	447 128,53	Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	07-ЖК	20606930-23
63.	447 128,53	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	30-ЖК	20606930-3
64.	358 659,25	Сирдарё вилояти	Сирдарё	01-ЖК	20606930-24
65.	358 659,25	Тошкент вилояти	Ангрен	02-ЖК	20606930-10
66.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	36-ЖК	20606930-1
67.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-153
68.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Яккасарой	03-ЖК	20606930-4
69.	358 659,25	Тошкент вилояти	Оҳангарон	07-ЖК	20606930-5
70.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-12
71.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-101
72.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-54
73.	358 659,25	Бухоро вилояти	«Сардор»	01-ЖК	20606930-2
74.	358 659,25	Фарғона вилояти	Фарғона	02-ЖК	20606930-019
75.	358 659,25	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-64
76.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Чилонзор	32-ЖК	20606930-5
77.	358 659,25	Тошкент шаҳри	«Меҳнат»	18-ЖК	20606930-1
78.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Чилонзор	01-ЖК	20606930-10
79.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-103
80.	358 659,25	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур	03-ЖК	20606930-26
81.	304 860,36	Тошкент шаҳри	«Меҳнат»	18-ЖК	20606930-15
82.	304 860,36	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-34
83.	304 860,36	Тошкент вилояти	Чирчиқ	02-ЖК	20606930-24
84.	304 860,36	Тошкент вилояти	Оҳангарон	03-ЖК	20606930-4
85.	304 860,36	Тошкент вилояти	Чирчиқ	02-ЖК	20606930-57
86.	304 860,36	Тошкент вилояти	Чирчиқ	02-ЖК	20606930-1
87.	304 860,36	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-97
88.	304 860,36	Фарғона вилояти	Фарғона	02-ЖК	20606930-012
89.	304 860,36	Тошкент шаҳри	Миробод	03-ЖК	20606930-24
90.	304 860,36	Тошкент вилояти	Ангрен	02-ЖК	20606930-16
91.	304 860,36	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-112
92.	304 860,36	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-94
93.	304 860,36	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-4
94.	304 860,36	Фарғона вилояти	Кўқон	01-ЖК	20606930-15
95.	304 860,36	Бухоро вилояти	Бухоро	05-ЖК	20606930-121
96.	304 860,36	Тошкент шаҳри	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-108
97.	304 860,36	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-88
98.	304 860,36	Самарқанд вилояти	Самарқанд	01-ЖК	20606930-73
99.	304 860,36	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-12
100.	304 860,36	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	01-ЖК	20606930-56

\* Изох: «Бойчечак» ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда ютуқларини олишлари мумкин.

**Маълумот учун телеларлар: (0-371) 150-89-17, 150-89-57.**

Хизматлар лицензияланган.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 май, сешанба кунни чиқади).

### Qishloq Qurilish Bank

**IBM сервер қурилмаларининг кафолат мuddатини узайтириш ва кафолатли хизмат кўрсатиш хизматини етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

Танловда IBM компаниясининг авторизацияланган ҳамкори бўлган, танлов савдолари предметига ўхшаш лойиҳаларни бажариш тажрибасига эга маҳаллий ва хорижий фирмалар, ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Танлов савдолари предметини — IBM сервер қурилмаларининг кафолат мuddатини узайтириш ва кафолатли хизмат кўрсатиш.

2. Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ҳамда манзили: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк», Аҳборот технологиялари департаменти, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй.

3. Номзод корхона ва ташкилотлар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари лозим. Танлов ҳужжатлари рус тилида, юқорида келтирилган манзилдан душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 га қадар олиниши мумкин.

4. Танлов таклифларини қабул қилиш мuddати — 2016 йил 10

Иқтисодиётнинг жадал равнақи кўпгина омиллар билан боғлиқ. Шулардан бири юртимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсатидир. Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистон банк тизими изчил такомиллаштирилиши, соҳага илғор ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши туфайли аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётган.

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида шу ҳақда тўхталар экан, ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг капиталлашув даражасини

ошириш ҳамда инвестициявий фаолигини кенгайтириш таъминланганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Имконият — истиқбол қалити. Эътибор ва рағбат эса муваффақиятга қанот бағишлайди. Шу маънода, бугун банк-молия тизимининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани кўплаб эзгу мақсадлар, истиқболли лойиҳалар рўёбига кенг йўл очаётгани билан аҳамиятлидир. Пировардида жойларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, саноатнинг янги тармоқларини ўзлаштириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ҳамда рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш, қўшимча иш ўринлари яратишга эришилаётган. Мазкур жараёнда мамлакатимиздаги нуфузли молия муассасаларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам ўз сармоя ва хизматлари билан фаол иштирок этаяпти.

*Молия бозоридagi мавқеини ошириш, ўз капитали, активлари ва ресурслари базаси барқарорлигини таъминлаш, миқозлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларга яқиндан кўмаклашиш “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг асосий вазифалари сирасидандир.*

Бунда муассасанинг жойлардаги 44 та филиали, 38 та минибанки, 48 та жамоарма, 45 та махсус касса ва 143 та турли тўловларни қабул қилувчи, 87 та халқаро пул ўтказмалари ва 52 та валюта айирбошлаш шохобчалари хизмати катта. Зеро, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, тезкорлик каби муҳим жиҳатлар бу ерда фаолият юритувчи ҳар бир ходимнинг қатъий иш услубига айланган. Бунинг самараси

## Давр билан ҳамнафас

кўйидаги рақамларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топган. Эътибор беринг: ўтган йил якунларига кўра, банкнинг хорижий валютадаги кредит қўйилмалари миқдори 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Мазкур кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 1,2 баробар юқоридир.

Яна бир муҳим далил: “Ўзсаноатқурилишбанк” давлат инвестициявий дастурини амалга оширувчи йилги молия муассасаларидан бири ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жағмағмаси маблағларини ишлатишга киришди. Натижада “Самарқанд — Бухоро” йўналишидаги темир йўл линиясини электрлаштириш орқали тезроқ поезд катновини йўлга қўйиш, Шимолий Шўртан конларида йўлдош газларни

зарарсизлантириш, Кўнғирот сода заводида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш каби ўнлаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Бинобарин, муассаса томонидан кўрсатилаётган комплекс хизматлар капитал қурилиш иштирокчиларига ҳам манзур бўлаётган. Қолаверса, банк ишлаб чиқариш субъектларининг молиявий аҳолини барқарорлаштириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортдоп маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришга ҳам яқиндан кўмаклашмоқда. Пировардида қурилиш, қимё, машинасозлик, иссиқлик энергетикаси, нефтьга реал секторидagi бошқа корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланапти.

Умуман, ўтган йил давоми-

да мазкур молия муассасаси 1,4 триллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратди. Табиийки, ушбу маблағлар иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожини, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилди. Хусусан, биригина Деҳқонobod қалий ўғитлари заводи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш орқали йилга кўп миң тонна ушбу ноёб хом ашёни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик саноат мажмуаси барпо этилди, минглаб иш ўринлари яратилди. Шунингдек, маҳсулотнинг бир қисми ташқи бозорга сотилмоқда. Бу эса мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилапти. Қувонарли жиҳати, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

### Ўзбекистон банк тизими:

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Юртимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли мазкур соҳа иқтисодиётимиз таянчига айланди. Бошқача айтганда, эндиликда ишбилармонлар барқарор вояланиши, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлаётган. Албатта, тадбиркорликнинг бу қадар рағбат топишида молия муассасаларининг ҳам ҳиссаси катта.

## Йирик инвестициявий марказ

Чунончи, “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ўтган йил давомида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун жами 856 миллиард сўмлик сармоялар ажратилди. Шу ҳисобдан 8,7 миңдан зиёд кишининг бандлиги таъминлангани эса янада қувонарлидир.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизни рағбат топтириш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотлар юқори самара бермоқда. Буни давлат мўлки бўлган объектларни хусусийлаштириш, бўш ётган биноларни салоҳиятли сармоядорларга инвестиция киритиш шарти билан “ноль” қийматда сотиш бўйича эришилаётган ижобий натижалар ҳам яққол тасдиқлайди. Мазкур жараёнда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлапти. “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар ижросида фаол қатнашиб, салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган. Зотан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқамон давом этаётган мураккаб вазиятда Ўзбекистон банк тизимида жорий қилинган бундай ўзига хос илғор тажриба ҳалқаро экспертлар эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Уларнинг фикрича, молия муассасаларимиз корхоналар инвестициявий лойиҳалари ижросини жадаллаштиришда фаол иштирок этиб, бундан ҳам ўзлари манфаат қўришапти, ҳам иқтисодий ночор субъектларни молиявий соғломлаштиришга эришилмоқда.

Масалан, айни кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” балансида қабул қилинган жами 15 та собиқ банкрот корхона негизда ташкил этилган 9 та янги саноат тузилмасида технологик жараёнлар қайта тикланиб, ишлаб чиқариш фаолияти бутунги кун талаблари асосида йўлга қўйилди. Бунинг учун жами 88 миллиард сўм миқдоридида сармоя ажратилди. Мазкур лойиҳалар тўлиқ рўёбга чиқаришга, 1300 нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Ваҳолонки, банкрот деб топилган корхоналарни қайта оёққа турғазини осон юмуш эмас. Ахир юзага келган катта миқдордаги дебиторлик, кредиторлик қарзларини узиш, қолаверса, ўз вақтида тўланмаган иш ҳақларини ҳал қилиш учун етарли даражада капитал талаб этилади. “Ўзсаноатқурилишбанк” эса молиявий барқарорлиги туфайли бу борада ўз мавқеини мустаҳкамлаб, мамлакатимизнинг йирик инвестициявий марказларидан бирига айланмоқда. Айтайлик, 2015 йилнинг ўзида муассаса банкрот корхоналар негизда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида 7 миллиард сўмлик сармоя киритиш мажбурият ва шартларини тўлиқ адо этди.

“Изланган имкон топади”, деб бежиз айтилмаган. Сарфланган ана шу маблағлар катта самара бериб, қисқа муддатда умумий қиймати 151 миллиард сўмлик сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ҳатто уларнинг 50 миллион АҚШ долларидиқ қисми экспорт қилинди.

Албатта, бу — юртимиздаги изчил ислохотлар меваси. Муҳими, ана шундай эзгу саъй-харакатлар бардавон.

### Вақт синовидан ўтган амалиёт

*Дунё тажрибасида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам тўловларни нақд пулсиз амалга оширишга, яъни пластик карточкалар тизимини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.*

Шу боис “электрон ҳамён” вақт синовидан ўтган тўлов востиси сифатида кундалиқ ҳаётимизга чуқур кириб бораётган.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” мазкур йўналишдаги ишларга республикаимизда фаолият юритаётган молия муассасалари орасида биринчилардан бўлиб киришган эди. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришда эса давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат

банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Натижада жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банк муомалага чиқарган бундай қулай “электрон ҳамён”лар сони 1 миллиондан ошиб, улар орқали бажарилган тўловлар ҳажми 736 миллиард сўмликка етди. Шундан 97 фоизи савдо шохобчаларидаги терминаллар орқали ўтказилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Молия муассасаси томонидан турли савдо нуқталари ва аҳоли гавжум бошқа жойларга жорий йилнинг ўзида яна 2400 дон терминал ҳамда 100 та инфокиоск ўрнатилиши белгилангани, бу ҳам пластик карточкалар орқали бажариладиган амалиётлар ҳажми ортишидан далолат беради.

Ҳозирги кунда муассаса миқозларига бир вақтнинг ўзида “Interexpress”, “Blizko”, “Western union”, “UNiStrem” ва “Золотая корона” каби ўнлаб халқаро пул ўтказмаларини тақдим этмоқда. Пировардида банк ўз хизматлари билан нафақат турли минтақаларни қамраб олаётган, балки миқозларга ҳам талайгина қулайликлар яратаяпти. Негаки, бундай хизматлар, аввало, пул ўтказмаларини тезкор амалга оширади, хавфсиз-

ликни таъминлайди ва энг муҳими, бунинг учун олинadиган ҳақ миқдори жуда кам. Бу эса, ўз навбатида, молия муассасаларининг халқаро пул ўтказмалари хизматига эҳтиёжни оширмоқда. Айни пайтда унинг “Банк — мижоз”, “Шахсий кабинет” ҳамда “SMS-банкнинг” дастурларидан 7 миңдан зиёд тадбиркорлик субъекти ва 208 миңдан ортиқ жисмоний шахслар фойдаланаётгани фикримизга яққол тасдиқ бўла олади.

Кўриниб турибдики, банк бошқа йўналишлар қаторида ўзининг пластик карточкалари билан ҳам аҳолига кенг қамровли хизматларни тақдир қилапти. Буларнинг барчаси молия муассасасига пул оқимларини кўпроқ жалб этиш ва ресурс базасини янада мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

### Факт ва рақамлар

Жаҳоннинг энг нуфузли икки халқаро рейтинг компанияси — “Fitch Ratings” ҳамда “Standard & Poor’s” агентликлари

“Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини муносиб баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди.

Ўтган йили мазкур молия муассасаси юртимиз иқтисодиёти учун 1,4 триллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратди. Табиийки, ушбу маблағлар турли соҳа ҳамда тармоқлар ривожини, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Банк 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қарийб 856 миллиард сўм миқдориди

кредит маблағлари йўналтирди. Ана шу сармоялар ҳисобига 8,7 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратилганлиги, айниқса, эътиборлидир.

## Изчил ўсиш суръатлари

Миқозлар, омонатчилар ҳамда акциядорлар манфаатларини муҳофаза этиш молия муассасалари фаолиятининг устувор мезонидир. “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси ҳам ана шу талаблардан келиб чиқиб, ўз хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини оширишга интилмоқда.

Бунинг амалий самараси жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банк жами капитали 892 миллиард сўмга, низоом жағмағмаси эса 698 миллиард сўмга етганидан кўра яққол ташланади. Қолаверса, ҳозирги кунда унинг хизматидан 1 миллион нафардан ортиқ киши баҳраманд бўлапти. Жами кредит қўйилмалари 7,2 триллион, мавжуд ресурс базаси эса 9 триллион сўмга тенг эканлиги ҳам муассаса фаолиятида ўсиш суръатлари бардавонлигидан далолат беради.

Бу эса дунёнинг нуфузли ташкилотлари эътиборини қозонаётган. Чунончи, жаҳонга машҳур “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари, кетма-кет саккиз йилдирки, “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини истиқболли ва ишончли, деби ҳоҳлади. “Ахбор-Рейтинг” Миллий рейтинг компанияси ҳам ўтган йилги натижалар таҳлилга кўра, уни “Энг ижобий кўрсаткичларга эришган молия муассасаси”, деб топди.

Албатта, бундай юксак

эътирофлар замирида давлатимиз раҳбарининг банк тизимини янада ислох қилиш йўлидаги тақдир қилиш ҳамда ташаббуслари муважжасам. Қолаверса, ўтган қисқа даврда ҳаётга таъбиқ этилаётган тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос модели ўзини тўлиқ оқлади. Бунда ислохотларни изчил ҳамда босқичма-босқич амалга ошириш йўли танлангани, энг муҳими, парокандалик ва бошбоқдоқлик таъсирга тушиб қолмаслик учун давлат бош ислохотчи сифатида асосий маъсулоти ўз зиммасига олиши муҳим омил бўлди. Ҳозир республикаимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими янада барқарор ҳамда узлуksиз ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратилган.

## Истиқбол сари дадил қадам

хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш, янги-янги хизмат турларини жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, капиталлаштириш даражасини ошириш муассаса олдида турган ана шундай муҳим вазифалар сирасидандир.

Бинобарин, Юртбошимиз тақдир билан 2016 йилнинг мамлакатимизда “Соғлом она ва бола” йили деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши “Ўзсаноатқурилишбанк” зиммасига янада

катта маъсулият юқлади. Шу тарих молия муассасасининг ташаббускор жамоаси халқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда илғор технологиялар билан жиҳозланган иччам корхоналарни бунёд этишни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини, тадбиркорликни рағбат қилишга ҳисса қўриши йўлида ҳар қачонгиданда самарали фаолият юритиш пайида бўлаётган. Зеро, бугун ана шу жабҳа-

ларда олиб борилаётган қўламли ишлар, улар замирида ётган улгувор мақсадлар бунга қатъий ишонч уйғотади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” келгусида ҳам омонатчилар, миқозлар ҳамда акциядорлар пул маблағларини кўпайтириш, уларни ишончли, кафолатли сақлашга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирган. Бундан ташқари, молия муассасаси иқтисодиёт реал секторига инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш асносида мамлакатимиз кудратини оширишга муносиб улуш қўлини ўзининг устувор мақсадларидан бири, деб билади. Бунинг учун эса имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

«Ўзсаноатқурилишбанк» миқозлари сони айни пайтда

**1 000 000** дан зиёдни ташкил қилмоқда.

Хизматлар лицензияланган.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Режама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан сақланган.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Топшўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6

РЕКЛАМА ҲРИНИДА